

1811/5189 - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: جَلَسَ إِحْدَى عَشْرَةَ امْرَأَةً، فَتَعَاهَدْنَ وَتَعَاقدْنَ

أَنْ لَا يَكْتُمْنَ مِنْ أَخْبَارِ أَرْوَاحِهِنَّ شَيْئًا، قَالَتِ الْأُولَى: رَوْحِي لَحْمٌ جَمِيلٌ غَتْ، عَلَى رَأْسِ جَبَلٍ: لَا سَهْلٌ فَيُرْتَقِي، وَلَا سَمِينٌ فَيُمْتَقِلُ. قَالَتِ الثَّانِيَةُ: رَوْحِي لَا أَبْتُ خَبَرَهُ، إِنِّي أَحَافُ أَنْ لَا أَذْرُهُ، إِنْ أَذْكُرْهُ أَذْكُرْ عَجَرَهُ وَبُجَرَهُ. قَالَتِ الثَّالِثَةُ: رَوْحِي الْعَشَنَقُ، إِنْ أَنْطَقْ أُطْلَقُ، وَإِنْ أَسْكُنْ أُعْلَقُ. قَالَتِ الرَّابِعَةُ: رَوْحِي كَلِيلٌ تَهَامَةً، لَا حَرْ وَلَا فَرْ، وَلَا مَخَافَةً، وَلَا سَآمَةً. قَالَتِ الْخَامِسَةُ: رَوْحِي إِنْ دَخَلَ فَهِدَ، وَإِنْ حَرَجَ أَسَدَ، وَلَا يَسْأَلُ عَمَّا عَهِدَ. قَالَتِ السَّادِسَةُ: رَوْحِي إِنْ أَكَلَ لَفَّ، وَإِنْ شَرِبَ اشْتَفَّ، وَإِنْ اضْطَجَعَ الْتَفَّ، وَلَا يُولِجُ الْكَفَّ لِيَعْلَمَ الْبَثَّ، قَالَتِ السَّابِعَةُ: رَوْحِي غَيَايَا، أَوْ غَيَايَا، طَبَاقَاءُ، كُلُّ دَاءٍ لَهُ دَاءٌ، شَجَكٌ أَوْ جَمَعٌ كُلَّا لَكِ. قَالَتِ الثَّامِنَةُ: رَوْحِي الْمَسُّ مَسُّ أَرْنَبٍ، وَالرِّيحُ رِيحُ زَرْنِبٍ، قَالَتِ التَّاسِعَةُ: رَوْحِي رَفِيعُ الْعِمَادِ، طَوِيلُ النِّجَادِ، عَظِيمُ الرَّمَادِ، قَرِيبُ الْبَيْتِ مِنَ النَّادِ. قَالَتِ الْعَاشِرَةُ: رَوْحِي مَالِكُ، وَمَا مَالِكُ، مَالِكُ حَيْرٌ مِنْ ذَلِكِ، لَهُ إِبْلٌ كَثِيرَاتُ الْمَبَارِكِ، قَلِيلَاتُ الْمَسَاحِ، وَإِذَا سَعَنَ صَوْتَ الْمِزْهَرِ، أَيْقَنَ أَهْنَ هَوَالِكُ. قَالَتِ الْحَادِيَةُ عَشْرَةً: رَوْحِي أَبُو زَرْعٍ، فَمَا أَبُو زَرْعٍ، أَنَّاسٌ مِنْ حُلْيٍ أُذْنَى، وَمَلَأَ مِنْ شَحْمٍ عَضْدَى، وَبَجَحَنِي فَبَحِحَتْ إِلَيَّ تَفْسِي، وَجَدَنِي فِي أَهْلِ عُنْيَمَةِ بِشِقِّ، فَجَعَلَنِي فِي أَهْلِ صَهِيلٍ وَأَطْبِطِ، وَدَائِسٍ وَمُنْقِ، فَعِنْدَهُ أَقْوَلُ فَلَا أَقْبَعُ، وَأَرْقُدُ فَأَتَصَبَّعُ، وَأَشْرُبُ فَأَتَفَّنُ. أُمُّ أَبِي زَرْعٍ، فَمَا أُمُّ أَبِي زَرْعٍ، عُكُومُهَا رَدَاحٌ، وَبَيْنَهَا فَسَاحٌ، ابْنُ أَبِي زَرْعٍ، فَمَا ابْنُ أَبِي زَرْعٍ، مَضْجِعُهُ كَمَسَلٍ شَطَبَةٍ، وَيُشْبِعُهُ ذَرَاعُ الْحَفَرَةِ. بِنْتُ أَبِي زَرْعٍ، فَمَا بِنْتُ أَبِي زَرْعٍ، طَوْعُ أَبِيهَا، وَطَوْعُ أَمِّهَا، وَمِلْءُ كِسَائِهَا، وَغَيْظُ جَارِهَا. جَارِيَةُ أَبِي زَرْعٍ، فَمَا جَارِيَةُ أَبِي زَرْعٍ، لَا تَبْثُثُ حَدِيثَنَا تَبْثِيشًا، وَلَا تَتَقْتُ مِيرَتَنَا تَتْقِيشًا، وَلَا تَمَلَأُ بَيْتَنَا تَعْشِيشًا، قَالَتْ: حَرَجَ أَبُو زَرْعٍ وَالْأَوْطَابُ ثُمَّخَضُ فَلَقَيَ امْرَأَةً مَعَهَا وَلَدَانِ لَهَا كَالْفَهْدَيْنِ، يَلْعَبَانِ مِنْ تَحْتِ حَصْرِهَا بِرُمَّاتَتِينِ، فَطَلَقَنِي وَنَكَحَهَا،

فَنَكْحَتْ بَعْدَهُ رَجُلًا سَرِيًّا، كَبَ شَرِيًّا وَأَحَدَ حَطِيًّا، وَأَرَاحَ عَلَيَّ تَعَمًا ثَرِيًّا، وَأَعْطَانِي مِنْ كُلِّ رَائِحَةٍ  
زَوْجًا، وَقَالَ: كُلِّي أُمَّ زَرْعٍ، وَمِيرِي أَهْلَكِ، قَالَتْ: فَلَوْ جَمِعْتُ كُلَّ شَيْءٍ أَعْطَانِيهِ، مَا بَلَغَ أَصْغَرَ آنِيَةِ  
أَبِي زَرْعٍ. قَالَتْ عَائِشَةُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُنْتُ لَكِ كَأَيِّبِي زَرْعٍ لِأَمِّ زَرْعٍ».

1811.5189. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Үн битта аёл ўтириб, эрлари ҳақидаги гаплардан ҳеч нарсани яширмасликка аҳду паймон қилишибди.

Биринчиси: «Менинг эрим тоғ устидаги ориқ түя гўштининг ўзгинаси: текис жойда эмаски, чиқиб бўлса, семиз эмаски, олиб кетилса», деди.

Иккинчиси: «Мен эримнинг хабарини ёймайман, чунки барини айтиб, адoғига етолмайман деб қўрқаман. Агар гапирсам, авра-астарини ағдариб ташлайман», деди.

Учинчиси: «Менинг эрим найнов. Гапирсам, талоқ бўламан, жим турсам, муаллақа бўлиб юравераман», деди.

Тўртинчиси: «Менинг эрим Тиҳоманинг тунига ўхшайди: иссиғи ҳам йўқ, совуғи ҳам йўқ, хавфи ҳам йўқ, зерикиш ҳам йўқ», деди.

Бешинчиси: «Менинг эрим кирса, қоплон, чиқса, шер. Билиб турган нарсасини сўрамайди», деди.

Олтинчиси: «Менинг эрим еса паққос туширади, ичса, қуритиб битиради, ёнбошласа, ўраниб олади, ташвишимни билишга қўл ҳам чўзиб қўймайди», деди.

Еттинчиси: «Менинг эрим нотавон [ёки сустмизож], ношуд. Нима дардки бўлса, унда бор. Ё бошингни ёради, ё ўзингни жароҳатлайди ёки икковиниям қиласди», деди.

Саккизинчиси: «Менинг эрим қуёндек момиқ, зарнабдек\* хушбўй», деди.

Тўққизинчиси: «Менинг эримнинг устуни баланд, қиличининг қини узун, (ўчоғининг) кули совимас, уйи машваратхонага ўхшайди», деди.

Ўнинчиси: «Менинг эрим мулкдор. Қандай мулкдор, дейсизми? Анавилардан яхши мулкдор. Унинг қўрада кўп туриб, яйловга кам чиқадиган туялари бор. Улар дуфнинг овозини эшитса, куни битганини аниқ билиб бўлади», деди.

Үн бириңчиси деди: «Менинг эрим Абу Заръ. Абу Заръ ким дейсизми? У қулоқларимни тақинчоқقا, билакларимни ёқقا түлдирди. У мени озгина қўйи бор уйдан йилқию туси, моли тўла уйга олиб келиб, хирмону ғалвирга эга қилди. Олдида гапирсам, сўкиш эшитмайман, ётсам, тонггача ухлайман, сув ичсам, қонгунимча ичаман.

Абу Зарънинг онаси... Абу Зарънинг онаси ким, дейсизми? Сандиқлари катта, уйлари кенгу мўл.

Абу Зарънинг ўғли... Абу Зарънинг ўғли ким, дейсизми? Шилма пўстлоқда ҳам ётаверади, улоқчанинг пойчасига ҳам тўяверади.

Абу Зарънинг қизи... Абу Зарънинг қизи ким, дейсизми? Отасига итоатли, онасига итоатли, кийимини тўлдирадиган қиз, кундошини куйдирадиган қиз.

Абу Зарънинг чўриси... Абу Зарънинг чўриси ким, дейсизми? Гапимизни ёймайди, озифимизни ташиб кетмайди, уйимизни хас-чўпга тўлдирмайди.

(Бир куни) сут мешлари чайқалиб турган пайтда Абу Заръ ташқарига чиқди-ю, қоплончалардек икки боласи қўлтифи остидан икки анорини ўйнаб турган аёлни кўрди ва мени талоқ қилиб, уни никоҳлаб олди.

Ундан кейин баобрў, учқур от минган, хаттий найза\* тутган бир кишига тегдим. У менга мол-ҳол, чорва берди, ҳар биридан жуфт-жуфт берди ва: «Эй Умму Заръ, ўзинг ҳам егин, аҳлингга ҳам едиргин», деди. Аммо унинг менга берган ҳамма нарсасини тўпласам ҳам, Абу Зарънинг энг кичик идишича бўлмайди».

Оиша айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Абу Заръ Умму Заръ учун қандай бўлган бўлса, мен ҳам сен учун шундайман», дедилар».

Абу Абдуллоҳ айтади: «Саъид ибн Салама Ҳишомдан: «Уйимизни хас-хашак қилиб ташламайди», деб ривоят қилган

Баъзилар «фа’атақоммаҳу» деб «мим» билан айтган, мана шу тўғрироқ».\*

Изоҳ:

\* Зарнаб - хушбўй ўсимлик.

\* Хаттий - Баҳрайн соҳилидаги Хат деб аталган жойдан келтирилган найза.

\* Ҳадисда «қонгунимча ичаман» деб ўғирилган сўз икки хил ривоят қилинган: 1. «Нун» ҳарфи билан: «фа’атақоннаҳу»; 2. «Мим» ҳарфи билан: «фа’атақоммаҳу». Иккисида ҳам маъно деярли бир хил. Аммо муаллиф

таъкидлаганидек, иккинчиси тўғрирок.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

